O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
Majburiy nusxa
INV. №

XДП
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 28-dekabr • Seshanba • 153-154 (31.274) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## Янги йилни Ўзбекистонда

### *кутиб олаётганимдан бахтиёрман*

■ Юртимизда янги 2011 йилни кутиб олиш ва нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жойларда ўтказилаётган байрам сайиллари, маданий тадбирларда юртдошларимиз билан бирга хорижлик меҳмонлар ҳам иштирок этаётир. ЎзА мухбири Самарқанд шаҳрига ташриф буюрган чет эллик сайёҳларнинг фикрлари билан қизиқди.

**Пи Фонг-Юнг хоним *(Хитой):***

— Дунёга машҳур Самарқанд шаҳрига келиш, унинг мусаффо табиатидан нафас олиш, бағрикенг, меҳмондўст халқи билан ҳамсуҳбат бўлишни орзу қилардим. Бахтимга икки йил олдин Самарқандда талабаларга хитой тилидан сабоқ бериш таклифи тушди. Шу тарзда орзуим ушалиб, бугунги кунда Самарқанд давлат чет тиллар институтида ёшларга сабоқ бериб келяпман.

Юртингизда ёшларнинг таълим-тарбия олишига катта эътибор қаратилишини яхши биламан. Айниқса, якунига етаётган Баркамол авлод йилида ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистонда ҳар бир йилга муайян ном берилиб, ўша йил давомида махсус дастур асосида катта ишлар амалга оширилиши ибрат олишга арзирли тажрибадир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни, хусусан ёшларни Янги йил байрами билан табриклайман.

**Виале Жованна Пьера хоним *(Италия):***

— Халқингизнинг жуда гўзал урф-одатлари борки, уларда одамийлик, яхшилик, инсон қадр-қиммати улуғланади. Бу байрамларда янада яққол намоён бўлади. Айни пайтда Янги йил байрами арафасида ҳамма бир-бирини табриклаб, фарзандлар ота-оналаридан хабар олиб, уларга байрам совғалари бераётгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Юртингизда байрамлар асосан оила даврасида нишонланар экан. Бу Шарқда азалдан оила улуғланиб келинганидан далолатдир.

2011 йилни Ўзбекистонда кутиб олиш ниятидаман. Бу менга унутилмас қувонч бағишлайди.

**Изумичи Тошитака *(Япония):***

— Самарқандга бундан икки йил олдин келиб, бу маскандаги тарихий обидалар, бетакрор манзараларни томоша қилгандим. Бугун эса шаҳарнинг қисқа вақт ичида янада кўркамлашиб, кўплаб янги бино ва иншоотлар, хиёбонлар бунёд этилганини кўрдим. Айниқса, Регистон майдони атрофи, Улуғбек расадхонаси ҳудуди ва шаҳар марказидаги ўзгаришлар Самарқандга тарихий улуғлигига монанад замонавий қиёфа бағишлабди. Янги йил байрами арафасида шаҳарнинг бир нечта жойида арча ўрнатилиб, кўчаларнинг ранго-ранг чироқлар билан безатилгани, одамлар кайфиятидаги жўшқинлик ҳар қандай кишида завқ уйғотади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувликнинг барқарорлиги ва энг муҳими, давлат раҳбарининг халқпарвар сиёсати самарасидир.

**ЎзА мухбири Ғолиб ҲАСАНОВ ёзиб олди.**

### Семинар-тренинг



■ Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида парламент ва сиёсий партиялар матбуот хизматлари ва нашрлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир навбатдаги семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва ходимлари, жамоат ташкилотлари экспертлари иштирок этди.



## Сиёсий партиялар матбуоти

### *такомиллашув жараёнида*

Семинар-тренингда партия матбуотининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилиниб, кейинги пайтда партиялараро баҳс-мунозара, танқидий-таҳлилий мақолалар сезиларли даражада кўпайгани қайд этилди.



— Партия нашрларида ўзаро баҳс, ўз-ўзини танқид руҳидаги материаллар, ижтимоий муаммоларга холис ёндашув, мулоҳазали мақолалар тобора кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол, — деди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Бобур Алихонов. — Бу жараён партия газеталари таъсирчанлигини оширади, ўқувчини ижтимоий-сиёсий жараёнда бевосита иштирок этишга чорлайди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг аҳамияти янада ошиб бораётган бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, журналистлар ихтисослашувини янада кучайтириш, журналист кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масалалари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Журналист кадрлар тайёрлаш ишларини замон талабларига мос равишда ташкил этиш бўйича жиддий ҳаракатлар бўлаяпти. Аммо бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, — деди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети кафедра мудири, тарих фанлари доктори Қудрат Эрназаров. — Бугун биз дунёнинг энг илғор тажрибаларидан кўпроқ фойдаланишимиз зарур. Талабалар амалиёт ўташи масаласини янада такомиллаштириш устида ўйлаш талаб этилмоқда.

Сиёсий партиялар нашрлари фаолиятини изчил такомиллаштириб бориш, парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасидаги баҳс-мунозараларни кенгроқ ёритиш, депутатлар билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар юритилди.

— Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис палаталари қўшма йиғилишида илгари сурган ғоялар, билдирган таклифлар партия матбуоти зиммасига катта масъулият юклайди. Биз ўз фаолиятимизга танқидий ёндашиб, нашрларимиз таъсирчанлигини жиддий оширишимиз лозим, — дея таъкидлашди журналистлар.

Шунингдек, тадбирда журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, партия нашрлари дизайнини замонавийлаштириш, парламент журналистикасини ривожлантириш каби қатор мавзулар муҳокама этилди.

Демократия институтлари
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ *ислоҳотлар марказида* → 3

Хушхабар
ҲАРБИЙЛАР УЧУН БАЙРАМ СОВҒАСИ → 4

Спорт
БИР ҒАЛАБА ВА БИР МАҒЛУБИЯТ → 7

### Эътироф

*Тошкентга мамлакатингизнинг бетакрор тарихий обидаларини томоша қилиш, гўзал табиатидан баҳраманд бўлиш ва Янги йилни кутиб олиш мақсадида келдик. Ўзбекистонда барча бирдек орзиқиб кутадиган ушбу байрамга катта тайёргарлик кўрилаётгани, унинг кўтаринки руҳда нишонланишини кўрган ҳар қандай киши ҳайратга тушиши шубҳасиз. Шаҳар байрам арафасида янада гўзал манзара касб этган. Янги йилда ҳар бир инсон эзгу ниятлар қилади. Энг эзгу тилак эса, аввало, саломатлик, тинчлик ва барча яқинларингизнинг бахтиёр табассумини кўришдир. Ўзбекистондаги ана шу фаровонликка, тинчлик ва осойишталикка кўз тегмасин».*

**Томас БАРНИЕР, (Франция)**

### ОБ-ҲАВО 28-29.12. 2010

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 6°C | 8°C |
| Самарқанд | 5°C | 10°C |
| Нукус | 2°C | 7°C |
| Қарши | 7°C | 12°C |
| Урганч | 2°C | 7°C |
| Навоий | 7°C | 12°C |
| Фарғона | 5°C | 10°C |
| Бухоро | 7°C | 12°C |
| Андижон | 5°C | 10°C |
| Наманган | 5°C | 10°C |
| Термиз | 7°C | 12°C |
| Жиззах | 5°C | 10°C |
| Гулистон | 5°C | 10°C |
| Тошкент вил. | 5°C | 10°C |
| Лондон | -1°C | -4°C |
| Париж | -1°C | -3°C |
| Москва | -12°C | -14°C |
| Мадрид | 0°C | -2°C |
| Пекин | -2°C | -4°C |
| Гонгконг | 14°C | 16°C |
| Рим | 4°C | 6°C |
| Анқара | 6°C | 8°C |
| Токио | 5°C | 7°C |
| Стокгольм | -8°C | -9°C |
| Кейптаун | 12°C | 14°C |
| Қоҳира | 6°C | 7°C |
| Гавана | 12°C | 14°C |
| Вашингтон | -3°C | -5°C |

### Президент арчаси



Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Янги йил байрами шодиёналари бошланди. → 3

### Янги уйда — янги йил!

Фарғоналик 610 оила янги йилни янги уйларда кутиб олади. → 4



### ЎзХДП ҳаёти

## Мақсад аниқ —

### *вазифа уни изчил амалга ошириш*

■ Хабарингиз бор, яқинда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқандни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижроси, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, фуқароларнинг иш билан бандлиги даражасини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини янада яхшилаш, кўҳна шаҳарда олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида тўхталди. Вилоятда давлат дастурлари асосида жуда катта миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, Президентимиз юзага келган қатор муаммоларга эътибор қаратди. Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга тўсиқ бўлаётган, лоқайдлик, ўзибўларчилик, масъулиятсизлик, порахўрлик оқибатида юзага келаётган долзарб муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратди. Уларни бартараф этиш билан боғлиқ масалалар ҳақида атрофлича фикр юритиб, ҳокимлар, маҳаллий раҳбарлар зиммасига кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни юклади.

→ 2

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1645,58 | 1 Миср фунти | 282,61 | 1 СДР | 2508,25 | 10 Жанубий Корея вони | 14,26 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2554,46 | 1 Канада доллари | 1627,79 | 1 Туркия лираси | 1063,21 | 10 Япония иенаси | 197,83 |
| 1 БАА дирҳами | 446,56 | 1 Хитой юани | 247,49 | 1 Швейцария франки | 1707,09 | 1 Россия рубли | 53,63 |
| 1 АҚШ доллари | 1640,00 | 1 Малайзия ринггити | 530,23 | 1 Евро | 2165,13 | 1 Украина гривнаси | 205,94 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти



# Мақсад аниқ —
## вазифа уни изчил амалга ошириш

(Давоми. Боши 1-бетда.)



ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг пленумида ана шу маърузадан келиб чиқадиган вазифалар, уларнинг ижросини таъминлашда партиянинг фаол иштироки масалалари муҳокама этилди.

— Президентимизнинг сессиядаги маърузасини тинглаб, вилоятда кейинги пайтларда кўплаб муаммоларнинг пайдо бўлишида бизнинг ҳам айбимиз катта экани ҳақида ўйладим, — деди «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев. — Қишлоқларда бўлганимизда ҳақиқатан ҳам партиямиз электорати вакилларини қийнаётган масалалар кўплигига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, жойларда инфратузилмани ривожлантириш, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларининг масъулиятини ошириш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини кучайтириш билан боғлиқ камчиликлар ҳақиқатан ҳам оз эмас. Бу муаммоларни партия фаоллари, депутатлар олдиндан билишарди. Тан олиш керакки, уларнинг ечими борасида ташаббускорлик, қатъият етишмади. Партиямизнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари сессияларга электорат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган масалаларни киритмагани ҳам барчамизни ўз фаолиятимизни бутунлай қайта кўриб чиқиб, янгича асосда ташкил этишни талаб этади.

Музокарада сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан чуқур таҳлиллар асосида очиб берилган камчиликлар нима учун ўз вақтида партиямиз томонидан депутатларимиз орқали сессия муҳокамасига киритилмагани, меҳнатга қобилиятли аҳолини, айниқса, ёшларни доимий иш билан таъминлашга депутатларимиз ва партия фаоллари эътибори камлиги тўғрисида фикрлар билдиришди.

*— Пленумда муҳокама этилаётган масала жуда долзарб, — деди «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси, партиямиз фаоли Ҳасан Нормуродов. — Ҳар бир масала замирида инсон, унинг манфаати турганини унутмаслигимиз керак. Маълум муаммоларнинг келиб чиқишига нега йўл қўйдик, нега томошабин бўлиб турдик? Депутатларимиз ваколатларидан фойдаланиб, тегишли мансабдор кишиларнинг масъулияти ҳақидаги масалани кўриб чиқишимиз мумкин эди-ку. Ўйлайманки, кейинги режаларимизда бу вазифалар ўз ифодасини топиши шарт.*

— Президентимиз партиялар фаолиятини кучайтириш талабини бир неча бор қўйди, — деди ЎзХДП Самарқанд вилоят партия кенгаши раиси Камолбой Исабеков. — Демак, фаоллардан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашиш ва шу асосда фаолият кўрсатиш, ҳаракат қилиш талаб этилмоқда. Биз ҳар бир катта-кичик раҳбар ўз вазифасини қандай бажараётгани ҳақида аввало ўзи ўйлаб кўришига таъсир ўтказишимиз зарур. Агар бунга журъатимиз етмаса, етакчиликни бошқа бировга топширишимиз керак.

— Президентимиз ҳар биримизни эртанги фаровон турмуш учун муносиб ҳисса қўшишга ундади, — деди вилоят Кенгаши депутати Валиқул Бердиқулов. — Депутат доимий комиссиялар, сессияларда электорат, қолаверса, ўз сайловчилари манфаатини ҳимоя қила олмаса, уларнинг ижтимоий ҳимояси учун ўзини қарздор ҳис этмаса, обрў-эътиборини йўқотади, партиянинг мавқеига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу эса охир-оқибатда Сайловолди дастуримизда белгиланган вазифалар адо этилмай қолишига олиб келади. Шунинг учун Президентимиз маърузаси асосида биз ўз режаларимизни қайта кўриб чиқишимиз зарур.

— Партиямиз электоратининг катта қисми қишлоқларда яшайди, — деди Иштихон туман партия кенгаши раиси Лола Булакова. — Уларни қийнаётган муаммоларни жойида ҳал этиш партиянинг қуйи ташкилотларига катта масъулият юклайди. Жорий йилнинг қарийб ҳар ойида икки маротаба бевосита маҳаллалар, қишлоқларда Жамоатчилик қабулларини ташкил этдик. Айрим раҳбарлар аҳоли ҳуқуқларини поймол этаётганига ҳам гувоҳ бўлдик. Афсуски, қатъият, талабчанлик кўрсата олмадик. Шундай экан, олдимиздаги вазифаларни адо этиш учун аввало ўзимиздаги нуқсонлардан қутилишимиз керак.

*Пленум ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Иштирокчилар вилоятда юзага келган камчиликларни бартараф этишда партия ташкилотлари, депутатларнинг иштирокини кучайтириш борасида таклифлари билан ўртоқлашдилар. Депутатлик гуруҳлари ишидаги камчиликлар, уларни бартараф этиш масалалари батафсил муҳокама этилди.*

Пленум кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Парламент фаолияти

# Қонунчиликни такомиллаштириш —
## мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг кафолати

**Кеча Ўзбекистон миллий матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда матбуот хизмати «Қонунчиликни такомиллаштириш — мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим кафолати» мавзуида матбуот анжумани ўтказди. Тадбир қўмитанинг 2010 йилги фаолияти якунларига бағишланди.**

Таъкидландики, Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисларида қилган маърузаларида парламент фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Қўмита ўз фаолиятини шу асосда ташкил этишга асосий эътиборни қаратди.

Ўтган бир йил давомида қўмита 3 та қонун лойиҳасига масъул бўлиб, уларни дастлабки тарзда кўриб чиқди ва палата муҳокамасига киритди. «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида», «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, қўмита қонунларнинг жойлардаги ижроси юзасидан 9 та назорат-таҳлил тадбири, 1 та парламент сўрови, 1 та парламент эшитуви, 5 та давра суҳбати, 3 та конференция ва 5 та семинар ўтказгани айтиб ўтилди.

Савол-жавобларда журналистларни қонунлар ижросининг назорат-таҳлили ҳамда унинг натижалари кўпроқ қизиқтирди. Назорат-таҳлил давомида аниқланган камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатларининг такрорланмаслиги учун қўмита тавсиялари асосида тегишли ташкилотлар қандай чоралар кўраётгани, фуқаролардан тушаётган мурожаатларда кўтарилаётган масалалар қонунлар лойиҳаларида ўз аксини қай даражада топаётгани ҳақида ва шу каби кўплаб саволлар ўртага ташланди. Қўмита аъзолари уларга жавоб қайтаришди.

Анжуман якунида журналистлар бундай тадбирларни мунтазам ташкил этиб бориш парламент фаолиятини чуқур ёритишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

# *Иш билан таъминлаш*
## ижтимоий ҳимоянинг энг самарали шакли

**Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни ишга жойлаштириш масаласи муҳокама қилинди.**



Шаҳрисабздаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида тикувчилик, новвойлик, мевани қайта ишлаш ва бошқа касб сирлари ўргатилади. Ҳунар маскани нон ва консерва тайёрлаш цехига эга. Замонавий ускуналар Польшадан келтирилган.

— Бошқа таълим муассасалари қатори бу коллежда ҳам тез-тез бўлиб тураман, — дейди партиямиз фаоли, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳодат Асланова. — Бу ерда ёшларнинг келажаги учун зарур касб сирлари ўргатилади. Коллеж маъмурияти тумандаги ва қўшни туманлардаги корхоналар билан шартнома тузиб, зарур мутахассисларни тарбиялашга ҳаракат қилаяпти. Бу тажрибани кенг ёйиш керак. Чунки ҳунар эгаллаган ёшларни меҳнатга жалб этиш ҳар томонлама муҳим масаладир.

Таъкидлаш керакки, бугун касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ҳаммаси ҳам ишли бўла олмаяпти. Бунинг анчагина сабаблари бор. Айрим жойларда ёшларнинг малакасига ишонмаслик ва эътиборсизлик туфайли ҳам ушбу муаммолар келиб чиқаяпти. Шу маънода халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши сессиясида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласининг муҳокама этилиши катта аҳамият касб этди.

Масала юзасидан сессияда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Зафар Қобилов, ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Феруз Эргашевнинг ҳисоботлари тингланди.

2009-2010 йилда коллежларни битирган 30911 ўқувчининг 25193 нафари ишга жойлашган. 1706 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. Академик лицейларнинг 1608 нафар битирувчисидан 649 нафари олий ўқув юртлари талабалари бўлишди. Тўғри, ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар касбли, ҳунарли ёшларни ишга жойлашга эътибор қаратишаяпти. Бироқ ҳамма жойда ҳам аҳвол бир хил эмас. Айрим туманларда бу ишга етарли эътибор қаратилмаяпти.

— Меҳнат ҳар бир инсоннинг фаровон турмуши, жамият барқарорлиги, тинчлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири, — деди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Олим Равшанов. — Вилоятда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида алоҳида дастур қабул қилинган. Унга кўра, 2010 йилда воҳада 86 минг 444 та янги иш ўрни яратиш белгиланган бўлиб, ўн ойлик режа ошириб адо этилди. Дастурнинг бир қисми бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг аҳволи таҳлил қилинганда, уларнинг 78,6 фоизи иш билан таъминлангани маълум бўлди. Бу борада талай муаммолар туғилаяпти. Аввало, партиямиз депутатлик гуруҳи мунтазам мониторинг қилишни йўлга қўйиши лозим. Маълумотлар атрофлича таҳлил қилиниши, йил якуни бўйича бу масалага яна қайтиш зарур. Тан олиш керак, жойлардаги айрим партия кенгашларимиз ташаббус кўрсата олмаяпти. Фақат ёшларни эмас, балки вилоятдаги меҳнатга қобилиятли, аммо иш тополмаётган барча кишилар ҳақида ҳам қайғуриш керак.

Сессияда кўтарилган масала қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Кўплаб депутатлар бу борада ўз фикрларини билдирдилар. Уларнинг барчаси инобатга олиниб, сессия қарори қабул қилинди.

— Аслида вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи сессия кун тартибига иккита масала таклиф этган эди, — деди вилоят ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи етакчи ходими Файзулло Маҳмудов. — Масалан, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ижроси ҳақидаги масала йил якуни билан кейинги сессияда кўриладиган бўлди.

Айни пайтда 59 депутатнинг 21 нафари ЎзХДПдан сайланган. Улар турли доимий комиссиялар таркибида фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, депутатимиз Акрам Акбаров раҳбарлик қилаётган ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари доимий комиссияси бир неча муҳим масалаларни кўтарди. 21-Дашт сайлов округидан депутат Фурқат Турсунов ташаббуси билан Бешкент пахта тозалаш корхонаси қошида касаначилик ҳисобидан 50 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Депутатларимиз фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Парламент палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз баён этган Концепция тараққиётимиз янги босқичининг дастуриламалидир. Унда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат билан таъминлаш, сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий Мажлис 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлади. Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам муҳим режалар белгиланмоқда. Аммо режа бажарилиши учун депутатлар, партия кенгашлари ҳамкор бўлишлари талаб қилинади. Айниқса, ёшларни ишга жойлаштиришга эътибор ҳеч қачон пасаймаслиги керак.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП бошланғич ташкилотларида

# Қуйи бўғин — асосий таянч

**Миробод туманидаги «Исломобод» маҳалласида партиямиз фаоллари билан учрашув ташкил этилди. Унда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепция мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.**

— Электоратимизни ўйлантираётган масалалар кўп, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова. — Уларни маҳалладан кўра яхшироқ биладиган институт йўқ. Биз муаммоларни ўрганиш ва ижобий ҳал этишда маҳаллага суянамиз. Шу маънода, ўзини ўзи бошқариш органлари билан алоқани янада мустаҳкамлашимиз керак.

Шунингдек, яна бир масалага эътибор қаратиш зарур. Бу — партия ташкилотлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари. Тан олиш керак, туманлардаги айрим қабулхоналар ишини қониқарли деб бўлмайди. Камчиликларни бартараф этиб, электорат ишончини оқлаш партия етакчиларидан амалий иш талаб этади.

— Шу йилнинг ноябрь ойида Жамоатчилик қабулхонасига 12 та мурожаат тушди, — деди Миробод туман партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Василий Воргудяев. — Уларнинг 11 таси ижобий ечим топди. Тўғри, бу мақтанарли кўрсаткич эмас. Туманимизда ечимини кутаётган масалалар кўп. Тез-тез маҳаллаларда, аҳоли орасида бўлишимиз, Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти билан электоратимизни таништириб боришимиз керак. Шундагина партиямизга ишонч мустаҳкамланади.

❖❖❖

«Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори» очиқ акциядорлик жамиятидаги партиямиз бошланғич ташкилоти ташаббуси билан «Қўйлиқ деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамият мажлислар залида ўтказилган тадбир ҳам Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, бозор ишчи-хизматчилари, у ерда фаолият кўрсатадиган савдо ходимлари иштирок этди. Концепциядан келиб чиқадиган вазифалар, партия бошланғич ташкилоти фаолиятини кучайтириш ҳақида фикрлар билдирилди.

*— Мазкур Концепция нафақат шаҳар ва туман партия кенгашларида, балки бошланғич ташкилотларда ҳам чуқур ўрганилаяпти, — деди Бектемир туман партия кенгаши раиси Ҳабибулла Рўзметов. — Қуйи бўғинни қанча оёққа қўйсак, фаолиятимиз шунча самарали бўлади. Аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги янгиланиш ва ўзгаришларда, ислоҳотларда иштирокини кучайтириш ғоятда муҳим.*

— Бизда ЎзХДПнинг бошланғич ташкилоти ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди «Тошкент қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори» очиқ акциядорлик жамиятидаги қуйи ташкилот етакчиси Раъно Усмонова. — Шунга қарамай, партия сафига кўпгина фаол ишчи-ходимлар қўшилиб улгурди. Бу туман партия кенгаши билан ўтказаётган биринчи тадбиримиз эмас. Ўйлайманки, бундай сиёсий семинарларни янада кўпроқ ташкил этиб, аъзоларимизнинг фаоллигини кучайтирсак, партиянинг мустаҳкам таянчига айланамиз.

Тадбирда, шунингдек, Тошкент давлат Молия институти профессори, фалсафа фанлари доктори Нормурод Маматов Конституция байрамида Президентимиз қилган маърузанинг моҳияти ҳақида, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова партиямиз депутатлик гуруҳи олиб бораётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Тадбирларда партиямиз фаоллари иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоб беришди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Демократия институтлари**

# Давлат бошқарувини янада демократлаштириш ислоҳотлар марказида

XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги мамлакатимизнинг янги тарихига чуқур ислоҳотлар даври бўлиб кирди. «Ўтиш даври» деб аталган оғир йиллар ортда қолди. Тинчлик ва осойишталик барқарор ривожланишига замин яратди. Ислоҳотлардаги изчиллик ва қатъият ҳар бир кунимизга янгича мазмун, янгича суръат бағишламоқда. Ўзгаришлар, янгиланишлар ва бунёдкорлик ишлари биз учун табиий жараёнга, ҳаётимизнинг маъно-мазмунига айланди.

**Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
**юридик фанлар номзоди, сиёсатшунос**



**1971 йили туғилган.**
**Франциянинг София-Антиполис университетида таълим олган. «Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси ўзаро алоқаларининг ҳуқуқий асослари» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ ассоциацияси, Европа, Осиё халқаро ҳуқуқ академиялари, Америка халқаро ҳуқуқ ассоциацияси аъзоси. У Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида хизмат қилади.**

Мамлакатимизда давом этаётган давлат бошқарувини модернизация қилиш ва янада демократлаштириш, яъни президентлик институти, ижро ҳокимияти ва парламент ислоҳотлари чет элликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш борасидаги ислоҳотлар аста-секинлик, изчиллик билан босқичма-босқич, одамларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, халқ руҳиятига, менталитетига мослиги ва муносиблиги ҳисобга олинган ҳолда, тарихий-миллий ва илғор хорижий тажрибага таяниб олиб борилмоқда.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурган асосий ғоя ва таклифлар бугунги кун эҳтиёжи ва эртанги кун талабидан келиб чиққан. Улар Конституциямизни шакл ва мазмун жиҳатидан бойитиб қолмай, давлат ҳокимияти ва бошқарувини такомиллаштириш, хусусан, ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатлар тақсимоти чегарасини янада аниқлаштириш, ҳокимиятлараро ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг асосий қоидаларини амалга самарали татбиқ этишга имконият яратади.

Президент томонидан Асосий Қонунимизнинг 98-моддасига киритилиши таклиф этилган конституциявий ўзгартишлар давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат раҳбари (Президент), қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида ваколатларнинг янада аниқ ва мутаносиб тақсимланишида ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Концепцияда кўзда тутилган ўзгартишларнинг моҳияти шундан иборатки, биринчидан, юқоридаги ноаниқликка барҳам бериш, ижро ҳокимияти ваколатларини янада ойдинлаштириш, вазифа ва ваколат учун шахсий жавобгарлик юклаш. Бош вазир номзоди парламентдаги етакчи сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши унинг ҳуқуқини янада оширади, шу билан бирга, Конституциямизнинг 93-моддасига киритилиши таклиф этилган ўзгартиш Бош вазирнинг номинатив (мансабдор шахсларни тайинлаш) ваколатини янада кенгайтиради. Президент давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди, бошқарув тизими узвийлиги ва барқарорлигини кафолатлайди.

Иккинчидан, ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлиниши ва ваколатларнинг адолатли тақсимланиши демократиянинг энг муҳим шартидир. Бироқ кишилик жамияти тарихи шундан далолат берадики, ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлинишининг ўзи тўлақонли демократия дегани эмас. Шу нақтаи назардан, Президент таклиф этган ўзгартишлар қонунчилик ҳокимияти — парламент ва сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг янада самарали тизимини татбиқ этишга қаратилган.

> *Аниқ айтганда, Президент илгари сурган таклиф ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг оқилона воситаси деб топилган парламент назорати ва унинг самарали механизми амалиётига қаратилган. Бу ўринда гап мутлақо янги конституциявий институт — санкцияланган парламент назорати, яъни импичмент институти ёки ишончсизлик вотуми ҳақида кетмоқда.*

Ҳукуматнинг очиқ ҳисоботи, ҳукуматга ва унинг аъзоларига саволлар билан мурожаат қилиш тизими ҳамда парламент назоратидан фарқли ўлароқ, ишончсизлик вотуми аниқ ва тугал сиёсий оқибат келтириб чиқарувчи амалий воситадир. АҚШ, Франция ва бошқа илғор демократик давлатлар тажрибасига монанд равишда, Президент номига расман киритиладиган таклиф орқали Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ташаббуси Қонунчилик палатаси депутатларига берилмоқда. Шундан сўнг, кўриб чиқиш учун Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисига ҳавола этилади.

Таклиф этилган ўзгартишга биноан, эндиликда Бош вазир номзодини тасдиқлаш ва уни лавозимидан озод этиш жараёнида Олий Мажлис палаталари ҳал қилувчи сўзни айтади. Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари орқали ижро ҳокимияти устидан назорат ўрнатиши, Бош вазир истеъфосини талаб этиши мумкин. Яъни, амалда қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари Бош вазир ва ҳукумат аъзоларига нисбатан «ишончсизлик вотуми» ёки импичмент қўллаш имкониятига эга бўлади. Мазкур ҳолат, ҳокимиятлараро мувозанатни қарор топтиришнинг самарали ҳуқуқий кафолатидир.

> УЧИНЧИДАН, МАЗКУР ТАКЛИФЛАР ҲАР БИР ҲОКИМИЯТНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ЯНА БИР БОР БЕЛГИЛАБ БЕРИШ БИЛАН БИРГА, УЛАРНИНГ ИЧКИ ТАШКИЛИЙ ВА ТАРКИБИЙ УЙҒУНЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ. БУ ЎРИНДА ГАП «ҲОКИМИЯТ ИЧИДАГИ ҲОКИМИЯТ» — ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЯДРОСИ БЎЛГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ФРАКЦИЯЛАРИ ҲАҚИДА БОРМОҚДА. ШУ МАЪНОДА, МАЗКУР ТАКЛИФЛАР МАМЛАКАТДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МАВҚЕИНИ КУЧАЙТИРИШГА ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУС БЕРАДИ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ПАРТИЯЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТ ВА ДАХЛДОРЛИК ХУСУСИЯТИНИ ОШИРАДИ.

Учинчидан, мазкур таклифлар ҳар бир ҳокимиятнинг ваколатларини яна бир бор белгилаб бериш билан бирга, уларнинг ички ташкилий ва таркибий уйғунлигини янада мустаҳкамлайди. Бу ўринда гап «ҳокимият ичидаги ҳокимият» — Қонунчилик палатасининг ядроси бўлган сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари ҳақида бормоқда. Шу маънода, мазкур таклифлар мамлакатда сиёсий партиялар мавқеини кучайтиришга институционал тус беради, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида партияларнинг масъулият ва дахлдорлик хусусиятини оширади.

Тўртинчидан, 2007 йил баҳорда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун бизнинг сиёсий тизим учун мутлақо янгилик бўлган тушунча — **сиёсий маслаҳатлашув институтини** дунёга келтирди. Президент киритган навбатдаги таклиф эса унга конституциявий мақом беради. Таклиф этилган ўзгартишларга мувофиқ, белгиланган тартибга кўра импичмент амалиёти қўллангандан сўнг, янги Бош вазир номзоди Президент томонидан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари билан ўзаро кенгашувдан сўнг Олий Мажлис палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Мазкур жараён тартиби, мазмун-моҳияти ҳамда сиёсий мувозанатни сақлашдаги аҳамияти сиёсий фанлар соҳасида жиддий илмий тадқиқотлар учун мавзу бўлиб хизмат қилишга арзигулик масаладир.

Бешинчидан, давлат раҳбари илгари сурган асосий таклифлар асосида яна бир янги сиёсий институт — Президент лавозими бўшаб қолган ҳолда унинг ваколат ва вазифаларини вақтинча бажариб туришни таъминловчи **сиёсий ворислик институти** вужудга келмоқда. Эндиликда Президент ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолатда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча, Олий Мажлис Сенати раисининг зиммасига юклатилиши ҳамда уч ой муддат ичида, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ сайлов ўтказилиши белгиланмоқда. Таклиф этилаётган мазкур ўзгартиш Конституциянинг 96-моддасига тааллуқли бўлиб, аввалги ҳолатга кўра, Президент турли сабаблар билан ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келса, бу моддани турлича талқин этиш эҳтимоли мавжуд эди. Масалан, палаталарнинг қўшма фавқулодда йиғилишида ўн кун муддат ичида сайланадиган ва уч ой муддатга Президент вазифасини бажариб турувчи сенатор ёки депутатга қўйиладиган талаблар ўзининг аниқ-тиниқ ифодасини топмаган эди.

Президент лавозимига вақтинча ворислик институти илғор демократик давлатларнинг конституциявий тажрибасидан муносиб ўрин олган. Жумладан, АҚШ Конституциясига асосан, Президент ўрни бўшаб қолса, вақтинча уни вице-президент эгаллайди. Мабодо вице-президент бу лавозимга лаёқатсиз бўлса, Вакиллар палатаси Спикери иш юритади.

Франция Конституциясига биноан, бундай вазиятда Сенат раиси Президент вазифасини вақтинча амалга оширади.

Кўриниб турганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар халқаро демократик андозалар ва илғор тажрибаларга монанд равишда ривож топаётир. Демократик тараққиётнинг юқори поғонасига кўтарилган қатор давлатлар конституциялари таҳлили шуни кўрсатадики, Асосий Қонунимизда ўз аксини топаётган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари ўзининг халқчиллиги ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради, юртимиз равнақи ва келажаги учун ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

*Хулоса қилиб айтганда, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг таркибий қисми сифатида таклиф этилган конституциявий ўзгартишлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг янги саҳифасини очиб беради. Бизнинг вазифамиз эса мана шу ғоя ва таклифларни қонунчилигимизга сингдириш, уни амалга самарали татбиқ этиш ва ижросини таъминлашдир.*

**Ижтимоий ҳимоя**



# «Президент арчаси»

Мамлакатимизда ногирон, ота-онаси қарамоғисиз қолган болалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги ва эътиборидадир. Ана шундай меҳр ва эъзоз туфайли Янги йил байрами кунларида юртимизда анъанавий тарзда ташкил этиб клинаётган «Президент арчаси» тадбирларида қанчадан-қанча фарзандларимизга қувонч улашиляпти.

Бу йил ҳам мазкур тадбирни мазмунли ва кўтаринки руҳда ташкил этиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ва «Sen yolg'iz emassan» Республика болалар жамоатчилик жамғармаси қатор вазирликлар билан ҳамкорликда пухта ҳозирлик кўрди. Жумладан, жорий йилнинг 29 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтказиладиган асосий «Президент арчаси» тадбири билан боғлиқ саҳна кўринишлари «Томоша» болалар шоу гуруҳи томонидан тайёрланди.

Бугунги кунга келиб, болалар учун Президентимиз номидан тақдим этиладиган 12 номдаги ўқув қуроллари ва 18 хил ширинликлардан иборат бўлган қарийб 11 минг дона совға тайёрланди. 23-26 декабрь кунлари бу совғалар вилоят марказларига етказиб берилди.

**Эртага республика бўйича «Президент арчаси»** тадбирлари ўтказилади. Ушбу тадбирларда 2685 нафар Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари, 160 нафар «SOS — болалар маҳалласи», 728 нафар Гўдаклар уйи, 35 нафар Оилавий болалар уйлари, 1314 нафар Мурувват уйлари тарбияланувчилари, ҳамда юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида қурбон бўлган Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Прокуратураси ҳамда Божхона қўмитаси ходимларининг 238 нафар фарзандлари — жами 9870 нафар болалар иштирок этади.

«Туркистон» саройида ўтказиладиган «Президент арчаси» тадбирларига эртага соат 10.00 да 651 нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва 77 нафар «SOS — болалар маҳалласи» тарбияланувчилари, соат 14.00 дан маҳаллалардаги 3-15 ёшгача ота-онасиз қолган 800 нафар болалар таклиф этилиши белгиланган. Уларга таклифномалар тарқатилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Ҳавасим келди...

— Мамлакатингизга илк саёҳатим мазмунли ўтмоқда. Янги йил арафасида Тошкентнинг кўча ва майдонларида, сайилгоҳларида, меҳмонхоналарида ранг-баранг байрам тадбирларини катта қизиқиш билан томоша қиляпман. Юртингизда байрам кунлари болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитга ҳавасим келди. Байрамолди савдо ярмаркаларида сотилаётган совғалар хилма-хиллиги билан барчани ўзига жалб этмоқда.

Заминингиз саховатли, одамларингиз кўнгли очиқ, миллий қадриятларингиз ғоят ажойиб ва жуда бой экан.

**Хе КВАНГ (Хитой)**

— Янги 2011 йилни халқингиз катта шодиёна билан кутиб олаётганининг гувоҳи бўляпман. Байрам арафасида Тошкент эртаклардаги каби сеҳрли шаҳарга айланган. Кўчаларда безатилган арчалар, ранг-баранг чироқлар кўзни қувонтиради.

Ўзбекистон ташқи дунё билан алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан изчил ва дадил бораётир. Юртингизда бошқа жабҳалар қатори устувор ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

**Карло ХАРТЛИ (Италия)**



**Хушхабар**

# Янги уйда — янги йил!

Фарғоналик 610 оила янги йилни янги уйларда кутиб олади.





*— Уй-жой мавзеларида 12 та тик қудуқ қазилиб, 36,5 километр табиий газ, 23,2 километр ичимлик суви қувурлари, 562 та таянч устунлари ўрнатилиб, 19,5 километр электр тармоқлари тортилди. 29,5 километр ички йўллар қурилди, — дейди «Қишлоққурилиш инжинирингкомпанияси» техник назоратчиси Эргаш Мадаминов. — Ҳар бир уй қурилиши сифати изчил назорат қилинади. Шу билан бирга, Риштон, Тошлоқ, Ўзбекистон ва Фарғона туманида барпо этилган янги мавзеларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маҳалла гузари, мини маркет ҳамда автобус бекати қурилиши ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда.*

Тошлоқлик Абдуғани ота билан Давлатхон ая оиласи аъзоларининг ҳам қувончи чексиз. Янги йил арафасида тўнғич фарзандлари Шерзод оиласи билан Қақир қишлоғига, янги мавзедаги 32 та уйнинг бирига кўчиб ўтди.

— Уч ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказдик, ўғиллар оила қуришди, набираларимиз вояга етишмоқда, — дейди Абдуғани Дадабоев. — Шерзоджоннинг 2 нафар фарзанди бор. Биз ҳаммамиз мўъжаз ҳовлида қисилиб қолган эдик. Юртбошимиз ташаббуси билан бизнинг Тошлоқ туманида ҳам қишлоқ аҳлига бири-биридан гўзал уй-жойлар қуриб берилди. Фермерликдан топган даромадимизни жамлаб, ўғлим Шерзоджон учун тўрт хонали уйларнинг биттасига харидор бўлдик. Уй нархининг 25 фоизини тўладик. Қолган қисмига банк имтиёзли кредит ажратди. Уни 15 йилда бўлиб-бўлиб тўлар эканмиз. Фуқаросига бундай ғамхўр давлат яна қаерда бор?! Элни ўйлаганлар кам бўлмасин, илоё!

Шерзоджон бизни уйга таклиф этди. Икки четига қатор қилиб арча экилган обод кўчадан бориб, ҳашаматли хонадонларнинг бирига кирдик. Уй 4 хона, ошхона, ҳаммом, айвондан иборат.

— Табиий газ, тоза ичимлик суви, бари муҳайё, — дейди Шерзоджон. — Ҳукуматимизга раҳмат! Ёш оилалар учун шаҳардагидек қулайлик яратилган. Кеча-кундуз иссиқ сув бор. Ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам яшамаймиз.

— Биз ҳам эр-хотин ва уч ўғил, уч келин, тўққиз набира бир ҳовлида яшар эдик, — дейди Мусақори Собиров. — Бу уй катта ўғлим ва келинимники! Набираларим яйраб юрганини қаранг! Бундай бахтли кунларни кўриш насиб этганига шукр қиламан.

Янги мавзедаги уйлар қаторида бир тадбиркор кундалик эҳтиёж моллари дўконини очибди. Ёнидаги майдонда маиший хизмат маркази, маҳалла гузари барпо этишмоқчи.

— 32 та уйни бунёд этишга 1,8 миллиард сўм сарфладик, — дейди пудратчи «Тошлоққурилиш таъмирлаш» корхонаси раҳбари Муроджон Узоқов. — Таннархи арзон дейсизми? Албатта. Сабаби ҳукумат қарори билан бундай қурилишларга пишган ғишт, металопрокат, цемент, том ёпқич ва бошқа материаллар имтиёзли нархларда етказиб берилади.

Якунланиб бораётган 2010 йилда Фарғона вилоятидаги 15 та қишлоқ туманининг 25 та массивида намунавий лойиҳалар асосида 610 та уй-жой қурилиб, уларнинг 503 таси 1 декабргача фойдаланишга топширилди. Бугун-эрта қолганларига ҳам эгалари кўчиб ўтади. Вилоятдаги 42 та пудрат ташкилоти томонидан 35 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Маълумки, уй эгалари тўлайдиган маблағ улар танлаган лойиҳа ва қурилиш таннархига боғлиқ. Газ, сув, оқова, электр тармоғи, йўл қурилиши, янги мавзе ободлиги учун сарфланадиган харажат маҳаллий бюджет ҳисобидан.

— Тошлоқ туманининг Қақир қишлоғидаги 32 та янги уйнинг ичимлик суви ва оқова тармоғи уланишига бюджетдан 96 миллион сўм сарфланди, — дейди «Қурилишсервисхизмат» хусусий корхонаси раҳбари Ҳотамжон Мўсинов. — Биз бу ишни сифатли адо этдик.

Президентнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини яхшилаш ва лойиҳалаштиришни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Фарғона вилоятида 2011 йили 32 мавзеда 655 та уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Шу кунларда пудратчи ташкилотлар танлаб олинди ва қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Данғара туманининг Найманча қишлоғида 35 та уй барпо этилади. Қурувчилар уни Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Ватан ҳимояси – муқаддас бурч**



# Ҳарбийларга байрам совғаси

Мамлакатимизда Янги йил шодиёналари бошланаётган шу кунларда Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган бир гуруҳ Ватан ҳимоячиларига янги уйлар топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тегишли қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилаётир. Шарқий ҳарбий округ ҳудудида топширилган янги уйлар ҳам ҳарбийларга муносиб байрам тухфаси бўлди.

– Оила аъзоларим ва яқинларимнинг қувончи чексиз, – дейди офицер Фурқат Турдалиев. – Янги йил байрамини барча қулайликларга эга янги уйда нишонлайдиган бўлдик. Биз, ҳарбийларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик Ватанимиз тинчлигини, осмонимиз мусаффолигини сақлашда янада кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Янги уйларнинг топширилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда замонавий, профессионал армиянинг шаклланганини, эл-юрт осойишталиги йўлида камарбаста бўлаётган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Ахборот**

## Карманада «Бахт уйи»

Кармана тумани марказида «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 360 миллион сўм бўлган никоҳни қайд этиш идораси биносини «Шарқ қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамият қурувчилари барпо этишди. Бу ерда янги йил арафасида Санжар Худойқулов ва Дилдора Худойқулованинг никоҳлари биринчи бўлиб қайд этилди.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# Банк кредитлари

## иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда

Якунланаётган йилимиз мамлакатимизнинг йирик молия муассасаларидан бири — «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси учун муваффақиятли бўлди. Иқтисодиётнинг аграр секторини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш борасида ибратли ишлар қилинди. Банкнинг Жиззах вилоят бошқармасида эришилаётган ютуқлар, айниқса, салмоқли бўлди. Жорий йилда «Баркамол авлод» давлат дастури доирасидаги кредитлаш параметрлари 140 фоизга бажарилиб, 420 мижозга қарийб 14 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, 2,5 минг нафар ёш ишли бўлишди.

2010 йил давомида қишлоқ жойларда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртининг битирувчиларига ўз бизнесини ривожлантириши учун бир миллиард сўмдан зиёд кредит берилиши натижасида 104 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Бошқарма томонидан иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, истиқболли тармоқларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланишлар жараёнини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунгача банк мижозлари сони 11,5 мингдан ошиб кетганлиги фикримиз далилидир.

Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга қарийб 40 млрд. сўм кредит берилди. Шунингдек, банк мижозлари орасида мингга яқин хотин-қизлар ҳам борлиги эътиборга сазовордир. Ҳозиргача уларга ажратилган кредит маблағлари қолдиғи қарийб икки млрд. сўмни ташкил этмоқда. Бунинг эвазига беш юзта янги иш ўринлари яратилиб, улар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, маиший ва сервис хизмати кўрсатиш соҳаларини ривожлантирмоқдалар.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун каттагина маблағ йўналтирилди. Масалан, музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳа бўйича. Жиззах шаҳридаги «Кармана пульсар» масъулияти чекланган жамиятига 390 млн. сўм кредит ажратилди. Эндиликда бу ерда етти хил музқаймоқ ишлаб чиқарилмоқда. 12 та янги иш ўрини яратилди.

Жиззах туманидаги «Чақмоқ» хўжалигига сутни қайта ишлаш лойиҳасини амалга ошириш учун ажратилган 160 млн. сўм кредит маблағи ҳисобига барча технологиялар олиб келиниб ўрнатилди ва ишга туширилди. Айни пайтда бу ерда сут қайта ишланиб, етти турдаги сут маҳсулотлари тайёрланиб, харидорларга етказиб берилмоқда.

Кейинги йилларда донни қайта ишлаш корхоналари томонидан Ғаллаорол ва Бахмал туманларида паррандачиликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. «Агробанк» вилоят бошқармаси эса ушбу лойиҳаларни молиялаштиришни бошлаб юборди. Бу ишга ҳозиргача салкам 3 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Вилоятнинг пахтани қайта ишловчи корхоналари томонидан Ғаллаорол ва Бахмал туманларида чорвачилик комплексини ташкил этиш, сутни қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш бўйича ҳам кўп иш қилинди. «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси томонидан Ғаллаорол туманида чорвачилик комплекси бунёд этилмоқда. Ушбу қурилиш лойиҳасини бошланғич молиялаштириш учун 630 млн. сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари пахта саноати корхоналари қошида паррандачилик мажмуаларини ташкил этиш бўйича бешта туманда иш бошланди. Бунинг учун 250 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган бўлиб, уларни молиялаштириш яқин келажакда бошлаб юборилади.

*Маҳаллий ноозиқ-овқат ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасида банк томонидан 1 млрд. 634 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, «Жиззахпластмасса» ОАЖга фитинг ишлаб чиқариш мақсадида 238 млн. сўм, Мирзачўл тумани «Максвел Старлайт» хусусий фирмасига электр энергиясини тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш учун 70 млн. сўм, Ғаллаорол тумани «Ферал медик рай» хусусий фирмасига мебель ишлаб чиқариш учун 30.0 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, уларда жами етмишдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.*

Бундан ташқари Мирзачўл тумани «Гагарин момиқ» масъулияти чекланган жамиятига пахтани қайта ишлаш мақсадида 402 млн. сўмлик лойиҳа «Агробанк» ОАТБ кредит қўмитасида кўриб чиқилмоқда.

«Агробанк» ОАТБ Жиззах вилоят бошқармаси бўйича юридик шахслар учун мўлжалланган 6 млрд сўмлик депозит сертификатлари ҳамда 200 млн. сўмлик корпоратив облигациялари муомалага чиқарилган бўлиб, шундан бугунги кунга келиб 7 млн. сўм депозит сертификатлари, 37 млн. сўмлик корпоратив облигациялари жойлаштирилди.

Банк хизматларининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этиш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилди. Аҳоли ва юридик шахслар орасида омонат ва депозит сертификатларини жойлаштириш, банкка бўш пул маблағларни жалб қилиш, ресурс базасини ошириш бўйича реклама воситаларидан фойдаланган ҳолда таклиф ва тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

«Агробанк» Жиззах вилоят бошқармаси бўйича жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 87545 дона пластик карточкалар банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган ташкилот ва корхоналарга тарқатилган. Корхона ва ташкилотлар билан тузилган иш ҳақи лойиҳаси доирасидаги шартномаларга асосан 16 дона корпоратив карточкалар муомалада қўлланилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун «Агробанк» ОАТБ Жиззах вилояти бошқармаси нафақат етакчи тармоқ бўлган агросаноат мажмуига, балки барча соҳаларда фаолият юритувчи мижозларга ҳам сифатли банк хизмати кўрсатмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**




«Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати»
уюшмаси жамоаси
барча юртдошларимизни кириб келаётган
Янги – 2011 йил билан чин юракдан
муборакбод этиб, тинчлик-омонлик,
оилавий бахт-саодат тилайди.
Пахтадан мўл ҳосил етиштирган
бободеҳқонларга хирмонингиз
ҳамиша баракали, умрингиз
зиёда бўлсин, деймиз.
Топганларингиз тўйларга
буюрсин, азиз юртдошлар!
2011 йил
муборак!


«Ўзбекистон шампани»
акциядорлик жамияти
жамоаси
Барча юртдошларимизни
Янги — 2011 йил билан қутлайди.
Янги йил бахт-иқбол, хонадонларимизга
файз-барака, юртимизга
тинчлик, фаровонлик олиб келсин.


«Тошкентдонмаҳсулот»
акциядорлик жамияти
жамоаси
TDM
Юртдошларимизни
2011 йил билан
муборакбод
этиб, барчага омад,
бахт-саодат тилайди.


«Шовотдон» акциядорлик
жамияти жамоаси
Барча юртдошларимизни ўлкамизга
ризқу рўз, бахт-саодат улашиб
кириб келаётган янги йил айёми
билан қутлайди.
Хонадонларингиздан тўкин-сочинлик,
қут-барака аримасин!


Ўзбекистон — Германия
«Савдогар»
очиқ акциядорлик-тижорат банки жамоаси
барча юртдошларимизни
Янги — 2011 йил
билан самимий қутлайди!
Янги йил барчангизнинг
хонадонингизга шоду-хуррамлик,
қут-барака олиб кирсин!
«Савдогарбанк» оилангизга
омад келтирсин!
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 254-19-91, 252-72-22.
www. savdogarbank.uz
SAVDOGARBANK


«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимидаги
203-TAJRIBA YO'L MASHINA
STANSIYASI жамоаси
Халқимизни
ЯНГИ ЙИЛ АЙЁМИ билан
қизғин ва самимий
муборакбод этади!
Барчага тинчлик,
соғлик-саломатлик,
бахт-саодат ва
фаровонлик тилаймиз.

Спорт

## Ўн учинчи жаҳон чемпиони

Туркиянинг Антокья шаҳрида шоҳмот бўйича аёллар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида хитойлик Хоу Ифан ғолиб чиқди. У аёллар ўртасида ўн учинчи чемпион сифатида шоҳмот тарихидан ўрин олди.

Ютқазган чиқиб кетиш тартибида ўтказилган бу чемпионатда дунёнинг 64 нафар кучли шоҳмотчиси баҳсга киришди. Рақиблар икки ўйинда ғолибни аниқлашди, агар дуранг қайд қилинса тайбрейк ўтказилди. Дастлабки босқичда ҳамюртимиз Нафиса Мўминова катарлик рақибига ютқазиб қўйди.

Тўрт ўйиндан иборат финалда хитойликлар дона суришди. Хоу Ифан иккинчи учрашувда ғалаба қозониб, ҳисобда олдинга чиқди. Лекин Жуан Луфэй 4-ўйинда ҳисобни тенглаштирди ва тайбрейк бошланди. Тезкор шоҳмотда Хоу Ифан 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, жаҳоннинг янги чемпионига айланди. Ифан жаҳон чемпиони бўлган бешинчи хитойлик шоҳмотчи бўлди.

Шоҳмот бўйича аёллар ўртасида жаҳон чемпионати 1927 йилдан ўтказиб келинади. Дастлабки даврда рус шоҳмот мактабида вояга етган шоҳмотчилар чемпион бўлишди: Вера Менчик (1927-1944), Людмила Руденко (1950-1953), Елизавета Бикова (1953-1956), Ольга Рубцова (1956-1958), Елизавета Бикова (1958-1962), Нона Гаприндашвили (1962-1978), Майя Чибурданидзе (1978-1991). Шундан кейин чемпионлик бошқа давлат шоҳмотчиларига ўтди. Се Цзюн (Хитой, 1991-1996), Жужа Полгар (Венгрия, 1996-1999), Се Цзюн (Хитой, 1999-2001), Чжу Чэн (Хитой, 2001-2004), Антоанета Стефанова (Болгария, 2004-2006), Сюй Юйхуа (Хитой, 2006-2008), Александра Костенюк (Россия, 2008-2010), Хоу Ифан (Хитой, 2010 йилдан).




## Боксчиларимиз халқаро турнирда

Боку (Озарбойжон)да бокс бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Грузия, Қозоғистон ҳамда Ирландия мамлакатлари «чарм қўлқоп» усталари ғолиблик учун рингга кўтарилди.

Муросасиз ва шиддатли кечган учрашувлар якунида вакилларимиздан Ш.Зоиров (48 кг) ҳамда А.Қосимов (64 кг) ўз вазн тоифаларида олтин, У.Мубинов (+91 кг) бронза медали билан тақдирланди.

## Бир ғалаба ва бир мағлубият

Шу кунларда Алмати (Қозоғистон)да аёллар ўртасида қўл тўпи бўйича навбатдаги Осиё чемпионати баҳслари қизғин давом этмоқда. Унда қитъамизнинг Япония, Қозоғистон, КХДР, Таиланд, Эрон, Ўзбекистон, Хитой ва Жанубий Корея давлатларининг энг кучли саккиз терма жамоаси ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Мусобақанинг дастлабки турида Владимир Мўминов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси таиландликларга қарши майдонга тушишди. Қизларимизнинг тўлиқ ташаббуси остида ўтган мазкур учрашувда гандболчиларимиз 31:25 ҳисобида ғалаба қозонишди. Аммо иккинчи ўйинда ҳамюртларимиз японияликларга имкониятни бой беришди — 22:57.

Чемпионат ғолиб ва совриндорлари 30 декабрь куни маълум бўлади.

Хорижда

## Аёллар 60 дан, эркаклар 62 ёшдан

### пенсияга чиқади

Украиналик аёллар шу пайтгача 55 дан, эркаклар эса 60 ёшдан пенсияга чиқарди. Энди бу тартиб бутунлай ўзгарадиган бўлди.



Гап шундаки, Украина ҳукумати пенсия ислоҳоти бўйича янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Радага тақдим этди.

Ушбу қонун лойиҳасига кўра, дейилади «УНИАН» АА хабарида, 2011 йил 1 февралдан эътиборан мамлакатда аёлларнинг пенсия ёши йилига 6 ойдан узайтириб борилади. Бу жараён 2020 йилгача давом этади ва 2020 йилдан эътиборан аёллар пенсияга 60 ёшдан чиқа бошлайдилар. Эркаклар эса 2013 йилдан бошлаб 62 ёшда пенсияга чиқади.

«ТСН» телеканали маълум қилишича, айни пайтда республика Пенсия жамғармаси маблағ тақчиллигидан қийналмоқда. Жамғармадаги «дефицит» миқдори шу кунларда 60 миллиард долларга яқинлашиб қолди. Пенсионерлар сони эса 15 миллион атрофида. Бу эса пенсия ислоҳоти ўтказилиши кун тартибига қўйилишини талаб қилмоқда. Қолаверса, пенсия ислоҳотини ўтказиш Халқаро валюта жамғармасидан кредит олишнинг муҳим шартларидан биридир.

## Журналистлар учун

### энг хавфли ҳудуд

2010 йил Покистон ҳудуди журналистлар учун энг хавфли ҳудуд сифатида тарихда қоладиган бўлди.

Нью-Йоркдаги Журналистларни ҳимоя қилиш қўмитаси маърузасида қайд этилишича, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, жорий йилнинг ўзида Покистонда 8 нафар журналист ўз хизмат бурчини бажараётиб, зўравонликлар қурбонига айланган. Дунё бўйича эса жами 42 нафар журналист тақдири шундай фожиа билан якун топган. Бу рақам яна ортиши мумкин, негаки, қўмита яна 28 нафар журналистнинг ўлими сабабларини аниқлаш (вақти-соати етиб ҳаётдан кўз юмганми ёки қотиллар қурбони бўлганми) устида иш олиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, жорий йилда журналистлар ҳаётига қасд қилиш ҳолатлари ўтган йилдагига қараганда анча камайган (ўтган йили 72 нафар журналист қурбон бўлган). Лекин шундай бўлса-да, журналистларга тазйиқ ўтказиш, улар жонига қасд қилиш ҳолатлари барибир кўп. Қўмитанинг ижрочи директори Жоэл Саймоннинг айтишича, журналистларга нисбатан амалга оширилган 90 фоиз қотилликларнинг сабаблари ҳалиҳануз очилмай қолмоқда.

Бугунги кунда Афғонистон, Таиланд ва Сомали ҳам журналистлар учун хавфли ҳудуд ҳисобланади.

# Пиротехника воситаларидан фойдаланиш тақиқланган



Яна саноқли кунлардан сўнг Янги йилни кутиб оламиз. Бир-биримизга яхши тилаклар билдириладиган, янги орзу-ниятларни дилимизга тугадиган бу байрам шоду хуррамлик билан ўтиши ўзимизга боғлиқ. Айниқса, пиротехника воситалари уйимизга кириб келишига йўл қўймаслигимиз муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда турли дўконлару савдо расталарида қўлбола пиротехника воситаларининг ноқонуний равишда сотилаётганини истаганча кўриш мумкин эди. Бу йил эса биронта жойда уларни сотиш ҳоллари учрагани йўқ.

Дарҳақиқат, кишилар тинчини бузувчи, болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи бундай воситалар кириб келишининг олдини олиш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги учинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун шу йилнинг 23 сентябридан расман кучга кирди.

Унга кўра, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар тегишли равишда $250^{1}$- ва $185^{1}$ — Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи моддалари билан тўлдирилди. Уларга мувофиқ, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш тақиқланган. Шунингдек, бу маҳсулотларни қонунга хилоф равишда мамлакатга олиб кириш ёки ўтказиш ҳаракатлари учун энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 20 бараваригача жарима солишдан бошлаб 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгилаб қўйилди.

Айни кунларда тегишли вазирлик, қўмита ташкилот ҳамда идоралар ходимлари аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш ва мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини юртдошларимизга тушунтириш бўйича кенг кўламли иш олиб бормоқдалар. Бозорлар маъмурияти, тўйхоналар, ресторан, кафе-бар, савдо дўконлари ва бошқа кўнгилочар масканлар мутасаддилари, хусусий тадбиркорлар, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари қонун талаблари юзасидан огоҳлантирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда шу йилнинг 20 декабрига қадар республикамиз ҳудудига пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб кирилиши билан боғлиқ аниқланган қонунбузарликлар 56 тани ташкил этган. Натижада қиймати 148 млн. сўмдан зиёд бўлган 11 млн. 441 минг донадан ортиқ пиротехника буюмлари ушлаб қолинган.

Масалан, Зангиота туманининг чегарадош ҳудудида божхоначилар эътиборини тортган кимса юклари кўздан кечирилганда 10 минг 400 дона пиротехника воситалари яширин равишда юртимизга олиб кирилаётгани маълум бўлди. Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан «Алмати-Нукус» йўналишидаги йўловчи поезди кўрикдан ўтказилганда, йўловчи Ш.Нуруллаев қиймати 230 минг сўмлик 5 турдаги 304 дона пиротехника воситасини яширин равишда юртимизга олиб киришга урингани фош этилди.

Тўрткўл туманидаги айланма йўллардан бирида ҳайдовчисиз турган «КамАЗ» божхоначилар эътиборини тортади. Машина юкхонаси текширувдан ўтказилганда, тегишли ҳужжатлари бўлмаган ва айланма йўллар орқали олиб кирилган 12 тонна-ю 208 кг. пиротехника воситалари борлиги маълум бўлди. Бухоролик Ш.Бобомуродовга тегишли бўлган мазкур 6 турдаги 11 млн. донадан ортиқ пиротехника буюмларининг умумий қиймати 143,2 млн. сўмни ташкил қилар экан. Ҳозирда мана шундай ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

**Шавкат Қаршиев, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази юзжағ жарроҳлиги бўлими олий тоифали шифокори:**

— Ҳар йили байрам арафасида пиротехника воситаларидан тан жароҳати олган кўплаб беморлар бизга мурожаат қилишарди. Ачинарлиси, бундай аянчли оқибатлар кўпроқ болаларда кузатиларди.

Яқинда чиққан қонун сабабли бу йил ҳали биронта бемор шифохонамизга мурожаат қилмади. Бундан биз шифокорлар хурсандмиз. Янги йилимиз кўнгилдагидек ўтиши, айниқса, ота-оналарга боғлиқ. Пиротехника воситаларидан фарзандларимизни асрасак, байрамда кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олган бўламиз.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2009 йилда адвокат Гаипов Гапир Салихович номига берилган №572 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги 45-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Феруза Рустамжоновна Юсупова номига берилган А № 449968 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Ёрқулова Марҳабо Абдусаматовна номига берилган O'z-sh 0737799 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Омон Акилович Турахановга тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«ЎЗМАЛОЙЛ» Ўзбекистон — Малайзия қўшма корхонаси жамоаси

Тармоқнинг барча ходимларини Янги йил билан муборакбод этади.



2011 йил ҳар бир оилага фаровонлик, бахт-саодат келтирсин. Мамлакатимиз иқтисодиёти янада юксалсин.

Илоҳим, Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, азиз юртдошлар!










BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namanganda — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg`onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Dilshod NARZULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
*7568 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
ISSN 2010-7633

O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 00.45
1 2 3 5

Sotuvda erkin narxda